O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 4 октябрь, № 196 (4349) Пайшанба

# ҚАДОҚЛАНГАН КУЗ НЕЪМАТЛАРИ

## йил давомида дастурхонингиздан узилмайди

***Ҳозир айни мезон. Бу пайтда табиатнинг эҳсони ёғилади, дейишади. Негаки, мезон шамоли эсгандан сўнггина мева-чева, сабзавот-полиз маҳсулотларини йиғиштириб олишга киришилади. Шу боис, боғ-роғларда иш қизғин. Пишиб етилиб, шираси тилни ёргудек бўлган мевалар терими авжида.***

***Мавжуд ҳосилни чамалаб кўрган республикамиз соҳибкорлари бу йил 1171 минг тонна мева, 810 минг тонна узум етиштиришни мўлжаллаб туришибди. Деҳқонларнинг ҳам шашти баланд. Ялпи ҳосилни савбзавотчиликда 4250 минг, картошкачиликда 1130 минг, полиз маҳсулотлари етиштириш борасида эса 800 минг тоннага етказишмоқчи.***

***Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, кейинги йилларда мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоқларида кескин ўсиш кузатилаётир. Мутахассислар буни Президентимиз ташаббуси билан ушбу тармоқларда ҳам фермерлик ҳаракати жорий этилгани билан изоҳлашаётир. Дарҳақиқат, мазкур йўналишга ихтисослашган 45 минг 939 та фермер хўжалигида ҳар йили мўл-кўл ҳосил етиштирилаяпти.***




Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, бу йил жами меванинг 140 минг, узумнинг 150 минг, сабзавотнинг 320 минг тоннаси экспорт қилинса, меванинг 250 минг, узумнинг 225,1 минг, сабзавотнинг 728,2 минг тоннаси ўзимизда қайта ишланади. Ҳосилнинг қолган қисми эса куз-қиш мавсуми учун жамғариб қўйилади.

Куз неъматларини қайта ишлаш жараёнида пойтахтимиздаги "Green World" қўшма корхонасининг муносиб ҳиссаси бор. Чунки бу ерда йилига 20 минг тонна мева қайта ишланиб, 100 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланади. Шарбатнинг 12 хили, томат пастаси, мева қайласи, мураббо, тузланган сабзавот, қуюлтирилган шарбат... Яна кўплаб турдаги маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Ўтган қисқа вақт ичида ана шу корхонага Италия, Буюк Британия, Германия давлатларидан 6 миллион АҚШ доллари қийматидаги технологиялар келтирилиб ўрнатилди. Натижада, мевани қайта ишлашдан тортиб, маҳсулотни қадоқлашгача бўлган иш жараёни шу ернинг ўзида амалга оширилаётир.

Маҳсулотнинг бежирим ёрлиғи, чиройли шиша идишлар ва картон қутиларнинг ўзиёқ ҳар қандай киши эътиборини тортади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»**ги 265–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

соғлиқни сақлаш ва тиббий суғуртанинг норматив базасини, тиббий ёрдам сифати ва ҳажми давлат стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

барча тиббий муассасаларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида мақсадли давлат дастурларини амалга оширади;

давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини ташкил этади;

тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашни белгиланган тартибда амалга оширади;

давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий хизматлар тарифлари даражасини тартибга солади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари ва препаратларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштиришни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади»;

2) **10-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига хусусий тиббиёт амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларига таалуқли даволаш-профилактика муассасалари фуқароларнинг айрим гуруҳларига бепул тиббий хизмат кўрсатадилар. Бундай хизматларнинг ҳажми, рўйхати, уларни кўрсатиш тартиби ҳамда компенсацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларида фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилишига рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш ҳамда даволаш воситаларидан фойдаланилади.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари белгиланган тартибда тиббий ҳужжатларни юритиши ҳамда статистика маълумотларини тақдим этиши шарт»;

3) **11-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «табобат» деган сўз «тиббиёт» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **30-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат» деган сўз чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 2 октябрь
№ ЎРҚ — 118

Тошкентда "Марказий Осиёда атроф-муҳит муаммолари, уларнинг оқибатлари ва ҳал этиш йўллари" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтмоқда. Уни ўтказишдан мақсад минтақамизда экологик аҳволни яхшилаш учун мамлакатимиз ва хориж олимларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат. Тадбир Хоразм Маъмун академияси томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси ва Мичиган университети Глобал экологик ўзгаришлар маркази (АҚШ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

КУН ТАРТИБИДА:

# ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

Анжуманда 20 мамлакат, жумладан, Россия, Бельгия, Германия, АҚШ, Украина, Франция, Швеция, Япония ҳамда Марказий Осиё минтақаси давлатларидан олим ҳамда мутахассислар иштирок этмоқда.

Хоразм Маъмун академияси раиси Р. Эшчонов анжуманни очар экан, сўнгги ўн йилликда Марказий Осиё мамлакатлари ўтган асрда пухта ўйламасдан хўжалик фаолиятини юритиш ва глобал иқлим ўзгариши натижасида юзага келган қатор жиддий экологик муаммоларга дуч келганини таъкидлади.

Эски тузум давридаги атроф-муҳитга нисбатан эътиборсиз муносабатнинг салбий оқибатлари бугун ҳам сезилмоқда. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан вазиятни тубдан яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш учун катта миқдордаги давлат маблағлари ажратилмоқда, қўшимча инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар жалб этилаётир. Бу ҳол қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга ёндашувни ўзгартириш, янги услубларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Уларни қўллаш эса, ўз навбатида, хўжалик фаолияти оқибатида

(Давоми 2-бетда).

# БЕЛАРУСЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ

***Кеча пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Беларусь Республикасининг миллий кўргазмаси очилди. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар кўлами йил сайин кенгайиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.***

Ҳамкорлик

Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлари вакили Василий Новакнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Беларусь давлатининг нафақат Марказий Осиёдаги, балки Ҳамдўстлик давлатлари орасидаги энг ишончли ҳамкорларидан саналади.

Таъкидлаш керакки, давлатлараро алоқалар ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик асосига қурилган бўлиб, ҳамкорлик барча соҳаларда йил сайин ривожланиб бормоқда. Айниқса, савдо-иқтисодий алоқалар. Дейлик, Ўзбекистон заминида етиштирилган шириндан-шакар мева-сабзавот, пахта толаси, трикотаж буюмлари, енгил автомобиллар Беларусда жуда харидоргир бўлса, ўз навбатида, юртдошларимиз бу мамлакатнинг турли-туман техника воситаларига ишқибоз. Масалан, давлатлараро товар айирбошлаш 2001 йилда 32 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2006 йилга келиб, бу кўрсаткич 70 миллион АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойида эса 70 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу жараёнда ўтказилаётган кўргазмаларнинг аҳамияти катта бўлаётир. Нега деганда, бундай нуфузли тадбирлар нафақат бу юрт маҳсулотлари билан яқиндан танишиш, балки ҳамкорлар топишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмаги билан Беларусь Республикасининг Савдо вазирлиги, "Белэкспо" миллий кўргазма маркази, ушбу давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмадан кўзланган асосий мақсад ҳам шу, аслида: алоқа ришталарини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлар сафини янгилари билан кенгайтириш.

Миллий кўргазмада Беларусь давлатининг 50 дан ортиқ компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Улар нефть ва кимё, ёғочни қайта ишлаш ва

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Мустақиллик йилларида республикамизда ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши**

**11 фоиздан 25 фоизга ошди**

Мавжуд корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга эришиш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларга барҳам бериш ҳамда ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш ана шундай ўсишни таъминлади.

***Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти илмий-тарихий, мантиқий ва ҳуқуқий жиҳатдан теран таҳлил этилди.***

# АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

*Маърузада истиқлолнинг ўтган йиллари икки босқичга бўлинди. Дастлабки босқич — 1991-2000 йиллар — мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ва, том маънода, тарихий аҳамиятга эга ўтиш даври. Бу босқич ўтиш даври ва миллий давлатчиликни шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олади. Иккинчи босқич — 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддат — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври. У иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган даврдир.*

*Ана шу даврлар воқеаларининг наинки бевосита гувоҳи бўлган, балки турли жабҳаларда фаолият кўрсатган ва бугунги залварли ютуқларимизга ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётган миллионлаб замондошларимиз ушбу тарихий маъруза билан танишиш асносида, табиийки, ўша мустабид тузумда қандай яшаганимизу бугунги ҳур ва озод Ватанда, дориламон замонда нечоғли эмин-эркин, хурсанд ва бахтиёр умргузаронлик қилаётганимизни яна бир бор дилдан ҳис этдилар.*

*Ортда қолган мураккаб ва масъулиятли йилларни эслаш, бугунги саодатли кунларимизга шукрона айтиш, ўз навбатида, эртанги ёруғ кунларга катта орзу-умид билан боқиб, буюк истиқбол сари ишонч билан дадил қадам ташлашимизни таъминлайди.*

### Аросатдаги кунлар

Шўро замонининг сўнгги йилларида Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон, албатта, мустақил давлат бўлади! Боболаримиздан мерос қолган бой тарихий обидаларни тиклаймиз, замонавий демократик жамият қурамиз, ҳар томонлама баркамол ёшларни вояга етказамиз, ўз пулимизга, донимизга, нонимизга, ёнилғимизга эга бўламиз!" дея дадил айтган гапларига кишиларимиз ҳайратланиб, айримлар, ҳатто, бир оз ишонқирамай қарар эди. Зотан, ўша даврда янги, илғор бу фикрларни — неча-неча аждодларимизнинг орзу-армонларини рўёбга чиқариш учун қанчадан-қанча курашлар, жасорат ва матонат, залварли меҳнат, беҳисоб маблағ талаб қилинишини, ҳатто, тасаввур этиш ҳам мушкул эди-да!..

Мустақиллик шарофати туфайли жаҳон майдонида ўз муносиб ўрнини эгаллаган Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ янги давлат ва жамият қуриш истиқболлари белгилаб олинди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда кенг жорий этилаётган машҳур беш тамойилнинг биринчиси — иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлигидир. Халқона тилда айтганда: "Аввал иқтисод, кейин сиёсат".

Муносабат

Кези келганда шуни ҳам қайд этиш жоизки, иқтисодий тараққиётга ҳеч бир давлат осонликча эришмаган. Истиқлолнинг дастлабки йилларида оғир синовларни бошидан кечирган халқимиз учун ҳам иқтисодий бўҳронлардан эсон-омон чиқиш енгил кечмади. Чунки СССР парчаланиб кетганидан кейин собиқ совет ҳудудида жуда кескин ва таҳликали вазият юзага келганди. Давлатимиз раҳбари эслатганидек, ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолган, мамлакат амалда очарчилик остонасида турар эди.

Ўтган кунларимизнинг бу каби қалтис дамларини бугунги авлод тасаввур қилиши қийиндир балки, лекин у кунларни ўша таҳликали даврни, мустабид тузум ноҳақликларини бошидан кечирган кишилар сира унутмайди. Ҳозирги дориламон кунларда файз-баракали дастурхон атрофида ҳар биримиз ҳам шукр, ҳам фикр қилайлик: хўш, агар ғалла мустақиллигига эришмаганимизда ҳолимиз не кечарди? Худога шукр, бугун омборда донимиз, тандирда нонимиз етарли. Бу кунларга осонликча эришмадик, ахир!

Ўша кезларда юртимиздаги суғориладиган ернинг 80 фоизига пахта экилса-ю, пахтамиздан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни ҳам бизга минг бор миннат билан сотса, бундай ноҳақлик қайси юртдошимизнинг ғурурини поймол қилмайди?

Боз устига, пахта ёғи ҳам "марказ"дан қайта тақсимланар, кунжара эса бошқа республикалардаги чорва моллари учун олиб кетилар эди. Бир томондан, одамларимизнинг куни бошқа республикалардан ташиб келтириладиган музлатилган гўштга қолган бўлса, бошқа томондан, бундай носоғлом вазият чорвачилигимиз ривожини жуда мушкул аҳволга солиб қўйганди.

Аслида собиқ иттифоқнинг халқ хўжалиги комплексида хом ашё базаси сифатида қаралган юртимизда ўша кезларда муаммоси бўлмаган соҳанинг ўзи йўқ эди. Лекин, қанчалик мушкул бўлмасин, ўтиш даврида ёнилғи муаммосини ҳал этиш, уни қидириб топиш, қазиб олиш, қайта ишлаш учун маблағ жалб этиш, қисқаси, ёнилғи мустақиллигига эришиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Юртбошимиз томонидан бу муаммонинг ҳам ечими топилди. Хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда қисқа фурсатда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бунёд этилгани шулар жумласидандир. Эндиликда мамлакатимиз ёнилғи қарамлигидан тамомила қутулди. Ҳатто, уни четга экспорт ҳам қила бошладик. Шу билан бирга, янги захираларни излаб топиш бўйича ишлар илмий асосларда кенг йўлга қўйилган.

Жаҳон бозорида бир баррель нефтнинг нархи 80 АҚШ долларидан тушмаяпти. Айни чоғда, нефтнинг баҳоси мамлакатимиз бозорида бир неча баробар арзон экани ҳам, қўшни мамлакатларда эса "ички бозорни ҳимоя қилиш" баҳонасида атайин қимматлаштирилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас...

Дарҳақиқат, юртимиз мустақилликка эришгунга қадар кўп аросатли кунларни бошдан кечирдик. 1991 йилнинг бошларида (ўшанда мен «Ўздеҳқонсаноатбанки» бошқаруви раиси эдим) собиқ иттифоқ раҳбарлари Горбачев ва Павловнинг мантиқсиз буйруғи билан 50 ва 100 рубль қийматидаги пулларни алмаштириш билан боғлиқ таҳликали воқеаларни ҳали ҳам кўпчилик яхши эслайди.

(Давоми 3-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Ҳаракатга яраша баракат

**Зангиота туманидаги "Ускунақурувчи" очиқ акциядорлик жамияти вилоят машина-трактор парклари ва фермер хўжаликларига ўзимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган тракторлар, ҳайдов ва чопиқ мосламалари, сихмолалар учун зарур эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ниятида ташкил этилганди.**

■ Корхона аҳли қисқа фурсатда бу ишни муваффақиятли уддалади. Мижозлар буюртмасини бир ҳафта ичида адо этиш, қўлларида жило топган эҳтиёт қисмларнинг камида икки мавсум бенуқсон ишлашини таъминлаш йўлга қўйилди.

Ҳаракатга яраша баракат, деб шуни айтадиларда. Жамоа ўтган йили 9 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўриб, иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаб олган эди. Бу йили ундан-да яхшироқ натижаларга эришилмоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Коллеж биноси — қишлоқ кўрки

**Чўл бағридаги Нурбулоқ Нуробод туманининг сўлим қишлоқларидан бири. Мазкур қишлоқда яқинда маиший хизмат йўналишидаги янги коллеж биноси фойдаланишга топширилди.**

■ Уни барпо этиш учун 1 миллиард 429 миллион сўм маблағ сарфланди. Қурилиш-монтаж ишларини Самарқанддаги «Савдо қурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қисқа муддатда амалга оширдилар.

Эндиликда қишлоқ кўркига айланган мазкур замонавий коллежда чорвадорларнинг фарзандлари беш йўналиш бўйича касб-ҳунар ўрганиб, билим оладилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Меҳрибонлик уйига туҳфа

■ Яқинда Элликқалъа туманлараро нефть маҳсулотлари давлат унитар корхонаси хайрия маблағлари эвазига Хўжайлидаги 1-сонли "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига бежирим кийим-кечаклар совға қилди.

Бу мақсадга 1 миллион 690 минг сўм маблағ сарфланди. Қувонарлиси, кийимлар ҳар бир ўғил-қизга якка тартибда тикиб берилди. Корхона раҳбариятининг маълум қилишича, жорий йилнинг ўтган даврида ўн миллион сўм маблағ ижтимоий ҳимоя, хайрия тадбирларига йўналтирилган.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Газ тармоқлари қишга тайёрми?

**«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг дастурига кўра, бу йил Андижон вилоятидаги 33 та йирик иншоотда салкам 46 километр узунликдаги газ тармоқлари мукаммал таъмирланиши режалаштирилган.**

Ҳозирга қадар уларнинг 14 тасида бу юмушлар поёнига етказилди. Шунингдек, мавжуд тармоқларда ҳаво босими остида газ қувурларини тозалаш, газ сизиб чиққан жойлардаги носозликларни бартараф этишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Чунончи, Андижон ва Асака шаҳарлари ҳамда Балиқчи туманидаги газ тармоқларини синаш ва созлаш ишлари тугалланди. Асака туманидаги 14 километрли, Шаҳрихон туманидаги 12 километрли ўрта ва юқори босимли газ қувурлари эса мукаммал таъмирдан чиқарилди. Ана шу мақсадлар учун 463,3 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Аждодларга эҳтиром рамзи

**Хоразм Маъмун академиясида «Магнит ва ўта ўтказувчан материаллар» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

■ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Буюк Британиянинг Кембридж университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманнинг Хоразм Маъмун академиясида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, ушбу тафаккур мактабининг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган алломалар маскани эканлиги етти иқлимга маълум.

Ҳар икки йилда бир марта ўтказилиб келинаётган анжуман замонавий физиканинг устувор йўналиши — магнетизм ва ўта ўтказувчанликнинг янги қирраларини кашф этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

**Нуриддин ОЧИЛОВ.**

## Ёш оилаларга ёрдам

**Жиззахда Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.**

«Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳарда истиқомат қилаётган 80 дан ортиқ ёш келин-куёвлар қатнашишди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан вилоятдаги банклар, вилоят Давлат солиқ бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят «Оила» маркази мутасаддилари Президент Фармони ижросини таъминлаш, энг чекка ҳудудлардаги ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар, ечимини кутаётган вазифалар хусусида гапирдилар.

Тадбирда, шунингдек, ёш келин-куёвлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, улар учун жорий қилинган солиқ имтиёзлари ҳақидаги саволларига жавоб олдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

КУН ТАРТИБИДА:

# ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

юзага келадиган хавфларни камайтириш имконини беради. Бу борада олимларнинг ҳиссаси катта бўлмоғи керак. Ўзбекистоннинг кўплаб илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари илмий кафедралари иш режасига экология муаммоларига бевосита ёки билвосита тааллуқли ва ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда тадқиқ этилаётган мавзулар киритилган. Хоразм Маъмун академиясида ҳам бу борада тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари олдида турган долзарб муаммо — дарёларни ифлослантирадиган энг асосий манба ҳисобланган сизот сувларни утиллаштириш ҳамда тозалашдир. Ўзбекистонлик олимлар бу муаммони самарали ҳал этишни, яъни сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғоришнинг замонавий услубларини қўллаш, коллектор-дренаж тармоқларини яхшилаш, шунингдек, унчалик минераллашмаган сизот сувларнинг бир қисмини Оролга йўналтиришни таклиф этмоқда. Айни пайтда Амударёнинг ҳар икки қирғоғида коллекторлар қурилиши давом эттирилмоқда. Уларнинг ишга туширилиши Орол денгизи атрофидаги ҳудудларни суғоришни йўлга қўйиш ва ўсимликлар ўсишини қайта тиклашга ёрдам беради.

Анжуманда Марказий Осиёнинг экологик муаммолари бугун глобал хусусият касб этаётгани, шу боис, турли мамлакатларнинг илмий ҳамда амалий саъй-ҳаракатлари бирлаштирилса, уларни самарали бартараф этиш мумкинлиги қайд этилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий университети профессори Рашид Қулматов, Мичиган университети Глобал экологик ўзгаришлар маркази директори Жи Чи, Япониянинг Киото университети профессори Цунео Цукатани, Германиянинг Гейдельберг шаҳри университети профессори Тимо Гешл, чўлланиш муаммолари билан шуғулланадиган франциялик мутахассис Ричард Эскадафал, Қозоғистоннинг Экология ва иқлим институти лойиҳаси раҳбари Любовь Лебедь ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Шу ҳафта охиригача давом этадиган ушбу анжуманда экология илм-фанининг янги йўналишлари, жумладан, экология иқтисодиёти соҳасидаги тадқиқотлар, экология тизими ва жараёнларини математик моделлаштириш услублари, экологик ўзгаришлар нуқтаи назаридан барқарор ривожланиш муаммолари, шунингдек, бу борадаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари ҳам муҳокама этилмоқда.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Яккабоғ туманидаги "ЭАУССЯ-Яккабоғтекс" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси мустақиллик йилларида ташкил топган корхоналардан биридир.*

## Корхона маҳсулоти — экспортга

*214 нафар киши меҳнат қилаётган ушбу корхона йилига 2800 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда маҳсулотлар замонавий технологиялар асосида тайёрланмоқда.*

*— Ўтган йили 2 миллион 532 минг АҚШ долларилик маҳсулотни чет давлатларга сотган эдик, — дейди қўшма корхона бош менежери Эшқувват Ашуров. — Жорий йилнинг дастлабки олти ойида яна салкам шунча маҳсулотимиз экспорт қилинди. Ниятимиз, йил охиригача экспорт ҳажмини 4 миллион АҚШ долларига етказишдир.*

**Р. САИДОВ.**

**23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

## Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

***— Кимлар округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари бўлишлари мумкин?***

— Округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланади.

**(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг $18^1$-моддаси).**

Сайлов ҳуқуқига эга, бирон-бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган, номзод ёки унинг ишончли вакили этиб кўрсатилмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлишлари мумкин.

**(«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси).**

***— Мабодо мен овоз бериш пайтида эҳтиётсизлик туфайли сайлов бюллетенини расмийлаштиришда хатога йўл қўйсам, нима қилишим керак?***

— Овоз бериш куни сайловчиларга бузиб қўйилган сайлов бюллетенини янгиси билан алмаштириб олиш ҳуқуқи кафолатланади. Сайлов бюллетенини алмаштириб беришни тегишли участка сайлов комиссияси амалга оширади.

**(«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси).**

***— Айтайлик, мен сайлов куни қандайдир сабаб билан уйда бўлмасам ёки яшаш жойимдан узоқроққа кетсам, бундай ҳолатда қандай йўл тутишим керак?***

— ...Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг нусхасини Марказий сайлов комиссияси белгилайди.

**(«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддаси).**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.



(Давоми. Боши 1-бетда).

# ҚАДОҚЛАНГАН КУЗ НЕЪМАТЛАРИ

– Жаҳон бозорига фақат маҳсулот сифати билан чиқиб бўлмайди, – дейди қўшма корхона бош директори Аваз Исмоилов. – Унинг ташқи кўриниши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун бу иш билан шуғулланадиган дизайнеримиз бор.

50 кишилик жамоанинг ҳамжиҳатликдаги меҳнати бесамар кетмаяпти. Корхона маҳсулотининг 70 фоизидан зиёди Ҳамдўстлик давлатлари, Жанубий Корея, Туркия ва Европанинг бир қатор мамлакатларига экспорт қилиняпти.

– Очиғини айтиш керак, хорижлик мижозларимиз ўта инжиқ, – дея сўзини давом эттиради А. Исмоилов. – Улар маҳсулот танлашда фақат мутахассислар хулосасигагина таянишади. Шу боис, ишлаб чиқарилган ҳар бир партия маҳсулотимиз Франция ва Бельгиянинг дунёдаги энг машҳур лабораторияларида текширилади. Эътиборлиси, шу пайтгача ҳеч кимдан ҳеч қандай эътироз бўлгани йўқ. Бу нафақат биз, қайта ишловчиларнинг меҳнатига, балки серқуёш заминимизда етиштирилаётган ширин-дан-шакар меваларга берилган юксак баҳодир.

Табиийки, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Қўшма корхона лабораториясининг 8 кишилик жамоаси маҳсулот сифати назоратига масъул. Кадрларнинг бир қатор ривожланган давлатларда малака ошириб келганлиги ҳам асқотаяпти. Натижада, биз тайёрлаётган маҳсулотлар наинки мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътирофга сазовор бўлаётир. Масалан, 2003 йили Женевада ўтказилган халқаро танловда "Энг яхши технология" ва "Энг яхши маҳсулот ишлаб чиқарувчи" йўналишларида ғолиб бўлган бўлсак, кейинги йили "ISO 9001:2000" халқаро сертификатини қўлга киритдик.

Ҳозир корхона фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот тури ва ҳажмини ошириш устида иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда вилоятларда унинг филиаллари очиляпти. Балиқчи туманида мавжуд филиалнинг қайта ишлаш цехлари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинаётир. Бу юмушлар якунланса, кўплаб янги иш ўринлари очилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш янада ортади.

"Green World" қўшма корхонаси — мамлакатимиздаги ўнлаб қайта ишлаш корхоналаридан бири. Ана шу корхоналар жамоаларининг меҳнати туфайли ўлкамиз нознеъматлари қайта ишланиб, йил давомида дастурхонимизга кўрк бағишлаяпти. Қувонарлиси, ўзимиздан ортгани жаҳон бозорига чиқарилмоқда. Бу эса юртимиз шуҳратининг янада ошишига хизмат қилаётир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: қўшма корхона ҳаётидан лавҳалар.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

# БЕЛАРУСЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қурилиш материаллари, машинасозлик, озиқ-овқат ҳамда фармацевтика йўналишларини ўз ичига олган. Бу бежиз эмас, албатта. Ўтган йил тажрибаси, қолаверса, аҳоли қизиқишлари назарда тутилган ҳолда мазкур соҳалар танланган.

— Компаниямизда 200 хил, деярли барча моделдаги автомобиль баллонлари ишлаб чиқарилади, – дейди "Belshina" компаниясининг маркетинг бошқармаси бошлиғи Игорь Евсюков. — Маҳсулотимизнинг асосий қисми, аниқроғи, 65 фоизи дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинади. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Кўргазма давомида катта ҳажмдаги маҳсулотларимизни сотиш, муҳими, доимий мижозлар топиш ниятидамиз.

— Корхонанинг қайси техникаларига қизиқиш катта? — дея суҳбатга тортамиз "Минск автомобиль заводи"нинг республикамиздаги расмий дилери Тошниёз Ҳусановни.

— Автомобиль ағдаргичлар, юк ташиш техникалари сингари қурилиш машиналарига талаб катта, — дейди у. — Буни мамлакатимизда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларининг кўлами тобора кенгаяётгани билан изоҳлаш мумкин. Заводдан йилига 100 дан ортиқ қурилиш техникалари харид қилинаётгани ҳам шундан далолат беради. Шунингдек, музлаткичли техникаларга ҳам қизиқиш ортиб бормоқда.



Кўргазмага келган киши ўзига энг маъқул маҳсулотни танлаб олиш имкони бор. Негаки, таклиф қилувчилар кўп. Миллий кўргазма павильонларида юртимиз аҳолисига яхши таниш бўлган "Минск трактор заводи", "Минск подшипник заводи", "Гомсельмаш", "Бобруйскагромаш" каби техника ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи компаниялардан ташқари, "Белбиофарм" концерни тизимидаги фармацевтика фирмалари, озиқ-оқат саноати корхоналари, қурилиш материаллари тайёрловчи ташкилотлар ўзларининг ранг-баранг, сифатли маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Қай бир компания вакили билан суҳбатлашманг, ҳаяжонланганча қизиқувчилар бисёрлигини айтади. Шу боис ҳам бу йил ўтган йилгидан кўпроқ шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

Кўргазма дастури доирасининг кенглиги ва у 5 октябргача давом этиши ҳисобга олинса, ўзаро келишув ҳамда шартномалар кўп бўлади, деб айтиш мумкин.

**Раҳмон САИДОВ.**

## ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

**Бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш йўлидаги муҳим босқичдир.**

Кўп партиявийлик шароитида ўтказилаётган мазкур сайлов кампанияси мамлакатимизда демократик жамият изчил шаклланиб, фуқаролар сиёсий онги ўсиб бораётганининг яққол далилидир. Ўзбекистон халқ демократик партияси шундан келиб чиққан ҳолда, сайлов кампаниясида фаол иштирок этиш зарур ва бу кампания партия учун жиддий сиёсий синов бўлади, деб ҳисоблайди.

Тошкентда 3 октябрь куни Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий кенгашининг бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда сўз юритилди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, бошланғич ташкилотлари фаоллари иштирок этди.

Пленумда Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Пленумда, шунингдек, 2007 йилнинг ноябрь ойида партиянинг навбатдаги съездини чақириш ва ХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш учун съезд муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ЖАҲОНДА ДОНГ ТАРАТГАН «БИЕННАЛЕ»



**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида IV Халқаро Тошкент замонавий санъат биенналеси иш бошлади. "New: хаёлот ва ҳақиқат" деб номланган мазкур кўргазма "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унинг тантанали очилиш маросимида мамлакатимиз ва хорижнинг таниқли рассомлари, санъатшунос олим ва мутахассислар, талабалар иштирок этишди.**

▼ Халқаро кўргазма

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимиз МДҲ давлатлари орасида ушбу кўргазмани биринчилардан бўлиб ташкиллаштирган мамлакатдир. 2001 йилдан бошлаб ҳукумат ва турли вазирликлар кўмаги остида мунтазам равишда Тошкент биенналеси ўтказиб келинмоқда. Ушбу нуфузли кўргазма мамлакатимизни жаҳон миқёсида танитиш, энг асосийси, санъат аҳлини бир ерга жамлаш имконини берди.

— Кўргазма халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ рассоми Жалолиддин Миртожиев. — Қувонарлиси, йилдан-йилга бу нуфузли тадбирда қатнашиш истагини билдираётганлар сони ортиб бормоқда. Бу йилги санъат анжуманида Япония, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлардан ҳам илк бор рассомлар қатнашаяпти.

Дарҳақиқат, дастлаб ушбу тадбирда 16 мамлакат ижодкорлари иштирок этган бўлса, бу йилги кўргазмага Россия, Хитой, Греция, Миср, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Швейцария сингари 33 мамлакатнинг 150 дан зиёд санъат усталари ўз асарларини тақдим этишган.

Тошкент биенналеси икки йўналишни ўзида мужассам этади. Яъни, долзарб мавзулардаги санъат — инсталляция, перфоманс, инвайромент, видео ва фотоарт ҳамда анъанавий санъат турлари — тасвирий санъат, бадиий графика, ҳайкалтарошлик кабилардир.

— Авваллари ҳам шундай тадбирларда қатнашиб, Туркия, Буюк Британия каби давлатларда бўлганман, — дейди туркманистонлик рассом Мурод Хожикулиев. — Юртингизда илк бор меҳмон бўлишим. Бу ердаги санъатга, ижодкорга бўлган эътибор, очиғи, ҳар қандай кишида ҳавас уйғотади. Буни ҳукуматингизнинг шундай нуфузли тадбирнинг олти йилдан буён узлуксиз ўтказиб келинишига бош-қош бўлаётганлигидан ҳам билиш мумкин. Биенналеда иштирок этиш ҳар қандай рассом учун фахр. Шундай экан, унга мезбонлик қилаётган юрт ижодкорларининг кўнглидаги ғурур ва ифтихорни тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу йилги кўргазманинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда ёш рассомларга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Тадбирда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Маннон Уйғур номидаги санъат институти каби олий ўқув даргоҳлари талабаларининг ҳам асарлари намойиш этилмоқда.

— Биенналеда 17 нафар ёш ижодкор иштирок этмоқда, — дейди кўргазманинг ёшлар етакчиси Сардор Бобоев. — Қувонарлиси, улар яратган санъат асарлари хорижлик мутахассислар эътирофига сазовор бўлиб улгурди. Айниқса, Гўзал Отамуродова, Санжар Жабборов, Камола Алимова каби ёш ижодкорларнинг асарлари Германия ва кореялик санъат усталарида қизиқиш уйғотди. Дунё тан олган рассомлар назарига тушиш, албатта, ёшлар учун катта рағбат. Шу маънода, мазкур халқаро биеннале уларнинг келгусидаги муваффақиятларига асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яширишнинг ҳожати йўқ, ўша пайтда халқимиз жамғарган омонатини банкдан кўра, кўрпанинг қатида сақлашни кўпроқ маъқул кўрган. Кишиларимизнинг аксарияти тўй-маъракага йиққан маблағини йирикроқ пул шаклида уйида сақлагани боис, атиги уч кун ичида бутун республика миқёсида пул алмаштиришнинг мазмун-моҳияти, мақсади, қай тартибда алмаштирилишини аҳолига тўғри ва тўла тушунтириш амримаҳол эди.

Хуллас, Ўзбекистонда пул алмаштириш "марказ" қатъий белгилаб берган муддатда ниҳоясига етмади. Ўшанда Ислом Каримов юртимизда аҳоли қўлидаги пулларни алмаштириш муддатини яна уч кун муддатга узайтириш тўғрисида Фармон чиқарди. Ҳали иттифоқ таркибида турган республикамиз раҳбарининг бу қадар дадил ва мустақил йўл тутиши "марказ"дагиларнинг, беозор айтганда, ғашини келтириши аниқ эди. Аммо Юртбошимиз, юз минглаб фуқароларимизнинг пешона тери билан топган пуллари куймаслиги керак, халқимиз ҳамма нарсага чидайди, аммо адолатсизликка чидай олмайди, дея ўз азму қарорида собит турди.

Инсон учун ҳур ва озод яшашдан улкан бахт йўқ. Ўша оғир кунлардан сўнг кўп ўтмай юртимиз ўз давлат мустақиллигини эълон қилди ва қалбларимиз фахр ҳамда ғурурга тўлди. Собиқ иттифоқ таркибида ғоят ночор аҳволга тушиб қолган иқтисодиётимиз айнан мустақиллик йилларида Президентимизнинг изчил сиёсати ва қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли ўнгланди, барқарорлашди ва муттасил ривожланмоқда.

Дунёда глобаллашув жараёни кетаётган бир пайтда юртимизда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган шундай оқилона қадамлар ўз вақтида қўйилмаганида, айтинг-чи, бугун Ўзбекистон давлатининг, халқимизнинг тақдири қандай кечарди? Бу ҳақда ўйламаслик ва очиқ-ошкора сўзламаслик мумкинми? Ахир, мустақиллик осмондан тушган неъмат эмас ёки уни кимдир бизга инъом ҳам этгани йўқ. Биз истиқлолимизга ҳалол меҳнатимиз, халқимизнинг сабр-тоқати, метиндек иродаси ва матонати туфайли эришдик.

## Чойдаги оғу

Халқимиз азалдан меҳмондўст. Ўзбекнинг дастурхонини чойсиз тасаввур этиб бўлмайди. Эшикдан келган меҳмонга бир пиёла чой тутқазмасак, кўнглимиз жойига тушмайди. Ҳатто, қўшиқларимизда ҳам "Новвот қўшиб чой бераман, келсангиз", деб куйланади.

Лекин чойга новвот эмас, оғу қўшсалар-чи?..

Бу ўринда асло муболаға қилаётганим йўқ, билъакс, айнан оғуланган чой билан боғлиқ бир воқеага тўхталмоқчиман. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида собиқ иттифоқдаги барча чой қадоқлаш фабрикалари "доғ"да қолиб, негадир Ўзбекистонга катта миқдорда чой маҳсулоти кела бошлади. Кўп ўтмай бу "саховат"нинг сири очилди — Чернобиль фожиаси оқибатида радиация билан заҳарланган ва истеъмолга яроқсиз ҳолга келган чойни Ўрта Осиё республикалари учун чой қадоқлаб берувчи ўша пайтдаги яккаю-ягона корхона — Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида қадоқлаб сотиш тўғрисида "марказ"дан топшириқ бўлган экан.

Ўшанда "истеъмол учун яроқсиз бу чойни сувда 100 даража қайнатиб ичилса, радиациядан асар ҳам қолмайди", деган мазмундаги "хулоса" асосида чой қайта қадоқланиб, Ўрта Осиё республикаларига тарқатилган. (Агар шундай бўлса бу чой бошқа республикаларга нега тарқатилмади, деган саволни ҳеч ким айтолмасди.) Оқибатда, радиация туфайли фабрикада чой қадоқлаш ишлари билан банд бўлган, шу чойни истеъмол қилган қанчадан-қанча кишиларнинг саломатлигига зиён етган.

Буни қарангки, бирор-бир республика ёки вилоят раҳбари "бу чой одамларга зарар-ку" деб айтмаган, айта олмаган. Кейинчалик бу сирлар ошкор бўлди, албатта. Таассуфки, "иттифоқ" аталмиш давлатга ишонч билан қараб, турли қинғирликларнинг қурбонига айланиб, алданиб яшаган миллионлаб инсонларнинг ҳаётий манфаатларига, аввало, соғлиғига хиёнат қилган ҳеч қайси айбдор шахсга нисбатан на моддий, на маънавий жазо берилди.

Очиғи, бу гаплар ёшларимизга эртакдек туюлиши тайин. Чунки бугун инсон саломатлиги, умуман, унинг барча ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари давлатнинг доимий эътиборида ва ҳимоясида.

Мамлакатимизда бир нечта чой қадоқлаш корхонаси халқимиз истеъмоли учун юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Дўконларимизда харидорга таклиф этилаётган чойнинг нави ва турига қараб кишининг ҳаваси келади. Масалан, қон босимини туширувчи, овқатни тез ҳазм қилувчи, организмда қанд миқдорини меъёрлаштирувчи, асабни тинчлантирувчи хуштаъм ҳамда шифобахш чойлар дастурхонимизга файз киритаётганини ортиқча таърифлашга ҳожат йўқ. Бунга, албатта, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш, тадбиркорлар йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш, уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш эвазига эришилди. Энг муҳими, юртимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари қонун билан муҳофазаланган.

## «Десантчилар»нинг қабиҳ ишлари

Юртбошимиз маърузасида қайд этилганидек, ўша даврда юртимизда юзага келган оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг кучайиб бораётган норозилигининг олдини олиш ва тўхтатиш учун Ўзбекистонга юборилган, халқ жуда топиб, "десантчилар" деб атаган гуруҳ томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликни кўпчилик яхши эслайди. Республикамизда жуда кўп раҳбарлик лавозимларини айнан "десантчилар" эгаллаган эдилар. Меҳнаткаш аҳоли қанчалик хўрлангани, алами ичида бўлгани, дардини ҳеч кимса эшитмаганининг туб сабаблари ҳам ана шунда.

Бир мисол. Россиядаги Куйбишев вилояти Сизран тумани ижроия қўмитаси раисининг муовини бўлиб ишлаган бир кимса 1986 йили Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманига райкомнинг биринчи котиби этиб тайинланади. У маҳаллий халқнинг урф-одати, дини, тилини билмас, туманда пахта, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш жараёнларидан мутлақо бехабар, бу юмушлар билан, ҳатто, қизиқмас ҳам эди. Қилган иши — дарёда балиқ тутиб, тўқайда ёввойи ўрдак овлаб, кайф-сафо билан ҳаёт гаштини суриш, ови бароридан келмаганда ёхуд "бош оғриғи" тарқамаганда бюро чақириб, жазаваси тутганча ҳаммага дўқ-пўписа қилишдан иборат бўлган. Тез орада у Москвага ўқишга юборилди, сўнг ўша ёқларда "ёғли" ишга жойлашди...

"Десантчилар"нинг ҳар бири ҳақида бундан ҳам кўп ва хўп "таъриф" бериш мумкин. Аммо республикада экологик муҳит жуда оғирлашган, ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган, ижтимоий муаммолар қалашиб ётган, айниқса, миллатлараро келишмовчиликлар изма-из юзага келаётган қалтис дамларда эл-юрт қувонч ва ташвишларидан бутунлай бехабар, халқ дарди билан, оддий кишиларнинг ҳаёт-мамот масалалари билан зиғирча қизиқмайдиган кимсалар шундай масъул лавозимларда ишлаши мумкинмиди, деган ҳақли эътироз пайдо бўлади.

Нима бўлганда ҳам буларнинг барчаси — яқин ўтмишимизнинг аччиқ ҳақиқатлари. Фақат истиқлолгина бизга бундай таҳқирли муносабатлардан батамом халос бўлиш, кадрлар сиёсатидаги бу каби оғир, таназзулга элтувчи иллатларнинг пайини қирқиш имконини берди.

Маълумки, 80-йилларда собиқ иттифоқ марказида мураккаб вазият юзага кела бошлади. Турли номутаносибликлар, можаролар гирдобида қолган компартия раҳбарлари вазиятдан чиқиш учун оқибати чуқур ўйланмаган ташаббусларга зўр берар, ҳар хил синалмаган, мавҳум тузилмавий, таркибий тадбирларни жорий этишни буюрарди.

Ҳозир айтсангиз, биров ишонмайди. Лекин ўша пайтда "марказ"да Фарғона водийси вилоятларини, Самарқанд билан Навоийни, Қашқадарё билан Бухорони ва бошқа вилоятларни ҳам худди шундай иқтисодий минтақага бирлаштириш, яъни вилоятларни ва туманларни бир-бирига қўшиб юбориш масаласи кўриб чиқилган ва бу борада бир тўхтамга келинган.

Шундан сўнг Қорақалпоғистонда ҳам уч-тўрт районни бирлаштириб юбориш ҳаракати бошланди. Хусусан, бошқа районларга қараганда чорва моллари кўп, сут соғиб олиш яхши йўлга қўйилган, чорвачилик мажмуаси шаклланган Бўзатов туманини қўшни икки районга бўлиб беришга қарор қилинди. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ягона туман — Нукусни (олдинги номи Оқманғит) эса янада ривожлантириш ўрнига, бутунлай тугатишга киришилди. Ваҳоланки, ўша вақтда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг мева-сабзавот, полиз маҳсулотларига эҳтиёжининг 85 фоизи қўшни вилоятлардан ташиб келинар эди. Бугунги кундаги обод туманлардан бири — Элликқалъани ҳам шундай аянчли қисмат кутарди.

Бундай "сиёсат" қайси соғлом ақлга сиғади, ахир. Агар ўшанда калтабинлик туфайли шу қалтис ишлар амалга оширилганида, Оролбўйи минтақаси қай аҳволга тушишини тасаввур қилиш қийин эмас. Танглик шароитида миллатлараро тотувлик бузилиб, тўқнашувлар содир этилмаслигига ким кафолат бера оларди?

Ўша пайтда республикадаги раҳбар кадрлар орасидан фақат бир одам "марказ"нинг бу борадаги "ташаббус"ига дадиллик билан қарши чиқди. "Десантчилар"дан бири шу масала муҳокама этилган мажлисдан қайтиб келиб, ғазаб билан гапирганди: "Қашқадарё обкомининг биринчи котиби Ислом Каримовга ҳеч нарсани уқтириб бўлмади, ҳаммага бир ўзи бас келди. "Бу ишларнинг оқибатини билмайсизлар, ҳозир тушунишни ҳам истамаяпсизлар. Мен бунга йўл қўймайман," деб оёғини тираб туриб олди".

Ҳа, Ислом Каримов ўшанда жуда катта бошбошдоқлик ва бузғунчиликни тўхтатган, мабодо ҳудудлар қўшиб ёки тугатиб юбориладиган бўлса, республикамизда юзага келиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олдини олган эди.

Шундай воқеаларни сарҳисоб қилганда, аслида мустақиллик ҳаракати, адолат учун кураш 1991 йилда эмас, балки 80-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган, дейишга тўла асос бор. Ислом Каримов истиқлол пойдеворининг илк ғиштларини ўшанда қўя бошлаган эди.

## Иқтисодиётнинг оғир карвони

Бюджет, солиқ сиёсати, пул муомаласи тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу иқтисодий амалиётлар Амир Темур бобомиз даврида ўз замонасига мос тарзда яратилган. Шу жиҳатдан, Юртбошимизнинг "Ўтмишини унутган халқнинг келажаги бўлмайди", деган сўзлари замирида улкан маъно мужассам.

Мамлакатимиз иқтисодиётига тўғри баҳо беришни истаган киши уни ўтмишдаги муайян бир даврга таққослаб кўриши ўринлидир. Юртбошимизнинг маърузасида қайд этилганидек, бугун юртимиз иқтисодиётида ялпи ички маҳсулот 1990 йиллардагига нисбатан 1,3 баробар ошди. Бинобарин, бу кўрсаткич Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг аксариятида ҳанузгача ислоҳотлар бошланган даврдаги даражага ҳам етгани йўқ.

Мамлакатимизда бундай иқтисодий салоҳиятга қандай эришилди? Ахир, ўша даврда халқимиз камбағал, юртимиз хом ашё базасига айлантирилган, республика бюджети номутаносиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишга маблағ етишмас, боз устига, қуролли кучлар бошқарув тизими, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, ёнилғи, дон масалалари билан боғлиқ ва шунга ўхшаш кўплаб муаммоларни ҳал этиш вазифалари кўндаланг турарди.

Ўша кезларда кийим-кечакдан тортиб, бошқа энг зарур маҳсулотларгача четдан келтирилар, эҳтиёжимиз учун зарур товарлар ўз вақтида келмаса, юртимизнинг масъул ходимлари ўша республикаларга ёки марказга бориб, шу масала билан шуғулланишига тўғри келар эди. Шундай кескин вазиятда Юртбошимиз раҳбарларга қандай иш тутиш, муаммолар ечимини қанақасига самарали ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берди. Шу тариқа республикамизда йиғилиб қолган муаммоларни оқиллик ва ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга киришилди.

Ҳали юртимиз мустақиллиги эълон қилинмаган бўлса-да, Ислом Каримов республикамиздаги қимматбаҳо бойликларни четга юбориш бўйича масъул раҳбарларга бундан буён пахта толаси ва олтинни четга чиқаришни тўхтатиш тўғрисида қатъий топшириқ беради. Бу маҳсулотлар кимга керак бўлса, марҳамат, аввал жаҳон бозоридаги нархларда шартнома тузсин, биз ҳам ўзимизга нима керак бўлса, ана шундай шартнома асосида оламиз, деди Президентимиз. Бошқача айтганда, "Ўзбекистон — боқиманда республика" қабилидаги туҳматларни ёғдираётганлар биз билан тенг иқтисодий ҳамкорлик қилсин.

Ўшанда Юртбошимизнинг бу азму шижоати собиқ иттифоқ раҳбарларини таҳликага солиб қўйганди. Ислом Каримов эса нафақат "Ўзбекистон иттифоқдан қарздор" деган уйдирмани йўққа чиқариш билан кифояланди, айни чоғда дангалига "Аввал иттифоқ Ўзбекистонга қарзини тўласин!" дея аниқ далил ва рақамлар билан ўз ҳаққоний талабларини илгари сурди. Шундан сўнг "марказ"дагилар этик тор келганини англаб: "Майли, ноль вариантга келишайлик — биз сизга, сиз бизга қарздор эмассиз", дея битим тузишга мажбур бўлишди. Агар ўшанда давлат раҳбари бир оз ён берганида нима бўларди?

Холисона айтганда, Юртбошимизнинг наинки мустақиллик йилларида, балки истиқлол арафасида ҳам ўз халқини турли бало-қазолардан асраб-авайлаш йўлидаги мардона курашлари ҳар биримиз учун ибрат ва сабоқдир.

## Куч — адолатда, адолат — қонун устуворлигида

Собиқ тузумнинг "демократик централизм" деган мантиқсиз бир принципи бор эди. Ҳамма ишни юқоридан пастга қараб белгилаб берадиган бу принцип иқтисодий-сиёсий ҳаётда, айниқса, мажбурий зуғум билан ўтказилар эди. Барча маблағ давлат бюджетига олинар ва марказдан қайта тақсимланарди.

Президентимиз ишлаб чиққан беш тамойилнинг бири бу — қонун устуворлиги. Истиқлол йилларида барқарор иқтисодий ривожланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Конституцияда мулкнинг кўп хиллиги ҳамда хусусий мулкнинг тенглиги ва дахлсизлиги кафолатлаб қўйилди. Илк бор мутлақо янги қонунлар асосида бюджет, солиқ, банк ва молия тизими барпо этилди.

Юртимизда тадбиркорлик, эркин иқтисодий рақобат, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйди ва мамлакат иқтисодиётида ўз ўрнини топди. Мўътадил инвестицион фаолият юритиш, бирламчи ва иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, биржа ва биржадан ташқари савдоларни ташкил этишга ҳамда суғурта бозорини кенг ислоҳ қилишга қаратилган қонунчилик мажмуи ишлаб чиқилиб, амалда изчил татбиқ этилаётир.

Яна бир гап. Ўзбекистоннинг ушбу соҳага оид миллий қонунчилик тизими ва унинг асосида юртимизда эришилган юксак иқтисодий ютуқлар жаҳоннинг энг нуфузли молия ташкилотлари эътирофини қозонмоқда.

## Ўзбек пахтасининг довруғи

Юртбошимиз раҳнамолигида ҳақиқий ер эгасига айланган фермерлар, заҳматкаш пахтакорларимизга, ғўзанинг янги-янги истиқболли навларини яратиш борасида баракали хизмат қилаётган олимлар ва селекциячиларимизга кенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиб берилди.

Кейинги йилларда юртимизда ўтказилаётган халқаро пахта ярмаркаси ҳамда халқаро пахта ва тўқимачилик борасидаги конференцияларда фаол иштирок этаётган хорижий компаниялар мутахассислари ва халқаро экспертлар ўзбек толаси сифатига юқори баҳо бермоқда. Агар эски тузум даврида пахта толасининг узунлиги ўртача 20-25 миллиметрни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 36 миллиметрга етди. Агар Хитой ва Туркия тўқимачилик саноатида, асосан, 29-30 миллиметр узунликдаги тола ишлатилишини назарда тутсак, мустақиллик йилларида пахтамиз толаси дунё миқёсида нечоғли саноатбоп ва харидоргир бўлиб бораётгани яққол намоён бўлади.

Илгари етиштирилган пахта хом ашёсининг етти фоизигина республикамизда қайта ишланар, қолган қисми эса жуда арзон нархларда олиб чиқиб кетиларди. Бугун-чи? Пахтани қайта ишлаш корхоналари фаолияти тобора такомиллаштирилмоқда. Енгил саноат тизимидаги корхоналар замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланмоқда. Биргина «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибидаги корхоналарнинг 30 фоиздан кўпроғи, яъни 66 таси пахта толасини қайта ишламоқда. Натижада, йилига 330 минг тонна ип-калава ички ва ташқи бозорларда сотилмоқда.

Бу йил Мустақиллик байрами арафасида енгил саноат тизимида яна 11 та замонавий корхона ишга туширилди. 3,5 мингта қўшимча ишчи ўрни яратилиб, қарийб 13 минг тонна ип-калава, 3 минг тоннадан кўпроқ трикотаж матолар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Биргина шу янги корхоналар иш бошлаши эвазига мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти 50 миллион АҚШ долларига ортиши учун имкон яратилди.

Шу билан бирга, юртимизда янги-янги соҳалар вужудга келмоқда. Жумладан, автомобилсозлик туфайли Ўзбекистон дунёга яна бир бор танилгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мамлакатимизда телекоммуникация ва ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётгани, кундан-кун турли соҳаларда қанчадан-қанча акциядорлик жамиятлари, хусусий, хорижий, қўшма корхоналар, бошқа муҳим иншоотлар бунёд этилаётгани ҳам халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлардандир.

## Замин саховати

Юртимиз дон мустақиллигига эришгани катта ютуғимиздир. Ризқ-рўзимизни ўзимиз етиштиряпмиз. Шу кунларда жаҳон бозорларида ғалла нархи 65-70 фоизга қимматлашиб кетди. Қўшни мамлакатлар ўзларида бу маҳсулот нархини бир неча баробарга оширгани, албатта, бизнинг ҳам бозорларимизга таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Бундай шароитда биз ресурслардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишимиз, бу йўлда ҳар хил найранглар кўрсатишга уринадиганларга қарши дадил курашишимиз, ҳамиша огоҳ бўлишимиз зарур. Мустақилликнинг бу азиз неъматига эришиш учун қанчалик заҳмат чекканимизни унутмаслигимиз керак.

Юрт мустақиллиги — халқ манфаати учун хизмат қилмоқда. Эркин бозор иқтисодиётига мос равишда барча турдаги истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ муаммолар эмин-эркин ижобий ҳал этилмоқда. Собиқ шўро даврида шахсий мулк эгаси йўқ эди ва бўлиши ҳам мумкин эмасди. Истиқлолнинг дастлабки йиллари бу жараён бошланганида одамларда анча-мунча ишончсизлик кайфияти ҳукмрон эди. Бунга жавобан Юртбошимиз юз минглаб деҳқонларни ташаббускорликка чорлади. Кредит олиш, солиқдаги имтиёзлар, имтиёзли фондлар ташкил этиш каби муҳим амалий тадбирлар бу соҳада ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтирди.

Қишлоқ хўжалигида туб бурилишлар юз бериб, одамларни узоқ вақт қийнаб келган пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Мазкур соҳага илғор технологияларнинг жалб қилиниши унинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилаётир. Ишсизлик муаммоси ҳал этилмоқда, ижтимоий муаммолар ҳам босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда.

Ғалла мустақиллиги юртимизда гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ўзимизда етарли даражада ишлаб чиқаришга, аҳолимиз дастурхонини янада файзли қилишга улкан имкониятлар яратганини шунчаки айтиш камлик қилади. Негаки, зарур истеъмол моллари, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжларини ўзи таъминлаш ҳар қандай мамлакатнинг бекиёс ютуғидир.

Ахир бир пайтлари ун, гўшт, сут, сариёғ, картошка ва бошқа зарур маҳсулотлар Россия, Беларусь, Украина, Болтиқбўйи республикаларидан музлатилган ҳолда келтирилар эди. Шунча масофадан бир неча кунда етиб келган маҳсулотлар истеъмолчилар қўлига теккунига қадар сифатига қанчалик путур етишини тасаввур этиш қийинмас. Боз устига, ўша маҳсулотларни олишга фондларни кўпайтириш учун тағин марказга бош уриб боришга, уларга ялинишга тўғри келар эди.

Муҳими, мустақиллик шарофати билан бундай муаммолар ижобий ҳал этилди. Айни вақтда юртимизда аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами жуда кенг. Айниқса, шахсий чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқларда ҳар бир хонадонни қорамол билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар кимни қувонтирмайди, дейсиз!

Эътиборли жиҳати шундаки, Президентимиз қарори билан хонадонида чорва маҳсулотлари етиштирадиган ва истеъмолчиларга етказадиган уй бекаларига меҳнат дафтарчаси очилиб, уларнинг иш стажига эга бўлиши, келгусида нафақага чиқишида қулайлик туғдириш ҳамда қишлоқ аҳлини ижтимоий ҳимоялаш каби муаммолар ўз ечимини топди.

Яна бир муҳим масала, агар қишлоқ жойларида бирорта хонадонда қорамол бўлмаса, уларга ҳомийлар томонидан қорамоллар олиб берилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. Айни вақтда қорамол сотиб олиш ва улар сонини кўпайтириш мақсадида олинаётган кредитларни банкларда соддалаштирилган ҳолда расмийлаштириш қоидалари жорий этилди.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз истеъмол бозорини тўлдириш учун халқ истеъмоли молларини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, касаначиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Уй бекалари ўз уйида ишлаб, катта саноат корхоналарининг буюртмаларини бемалол бажармоқда. Аҳолининг муайян қатламини шу йўл билан банд этишга қаратилган оқилона сиёсат ўзини оқламоқда. Бу борада кишиларимизга микрокредит ҳамда махсус фондлардан имтиёзли маблағлар бериш йўлга қўйилгани, лизинг орқали кичик дастгоҳлар олиш каби қулайликлар яратилгани, бунда кредит уюшмаларига қонун доирасида кенг имкониятлар берилгани эътиборга моликдир.

Бугун замонавий техника ва технология билан жиҳозланган корхоналаримизда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси билан тайёрланаётган кўпдан-кўп рақобатбардош маҳсулотларимиз дунё бозорларини дадил забт этмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётида экспорт ҳажми йилдан-йил кўпайиб, ташқи савдода ижобий сальдога эришилмоқда.

## Шукуҳли кунлар ёғдуси

Бир қатор хорижий мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини қиёсан таҳлил қилиш жараёнида Осиё қитъаси мамлакатларида бир неча ўн йилликлар мобайнида эришилган натижаларни Ўзбекистон жуда қисқа муддатда қўлга киритганига ишонч ҳосил қилади, киши. Макроиқтисодий ўсиш, ёнилғи, ғалла мустақиллигига эришишнинг ўзи қанчалик катта ютуқ. Барқарор бюджет тизими, рағбатлантирувчи солиқ сиёсати, пул муомаласи, хусусий мулкка эгалик, кафолатли инвестицион жараённи ташкил этиш борасида эришган натижаларимиз ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Миллий таълим тизимидаги ўзгаришлар, соғлом авлодни камол топтириш, айниқса, спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш йўлидаги хайрли ишлар кимни тўлқинлантирмайди, дейсиз.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай улуғвор ишларнинг бошида Президентимиз Ислом Каримов турганлигини ва мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришган залварли ютуқларимиз айнан Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалда кенг татбиқ этилаётган тараққиётнинг беш тамойили самаралари эканлигини бугун барчамиз теран англаймиз ва бундан чексиз фахрланамиз. Ваҳоланки, ўтган йиллар мобайнида МДҲнинг, ҳатто Шарқий Европанинг айрим мамлакатларида яратилган ўнлаб моделлар ҳаётда жорий этилмади, ижобий натижа бермади, айримлари эса салбий оқибатларни келтириб чиқарганидан ҳам яхши хабардормиз.

Мамлакатимиз раҳбари ҳар бир йилнинг халқимиз учун мазмундор ва самарадор бўлишини кўзлаб, унга ғоят муҳим ном ва ўзига хос йўналиш беради. Узоқни мўлжаллаб, пухта ўйлаб қилинган бу саъй-ҳаракат замирида юксак ғоялар мужассам. Натижада, йил давомида махсус давлат дастури асосида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилади, жамиятимиздаги айрим бўшлиқлар тўлдирилади, муаммолар ҳал этилади. Шунинг учун истиқлолнинг ҳар бир йили тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилмоқда.

Чунончи, 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йилида амалга оширилаётган ишларни баён этсак, бир нечта китоб бўлиши, шубҳасиз. Биргина давлат бюджети харажатларининг 54 фоизи ижтимоий соҳаларга йўналтирилганлиги, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирларга давлат бюджетидан шу йилнинг охирги чорагида 20 миллиард сўмдан зиёд, 2008 йилда эса 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши эл-юртга ғамхўрлик ва чинакам инсонпарварлик намунаси эмасми!

Албатта, истиқлол шарофати билан эришган ва эришаётган тарихий ютуқларимиз ҳақида том-том китоблар ёзса арзийди. Буюк аждодларининг улуғвор ишларини ўрганган келажак авлод ана шундай асарлар ёзишларига ишонаман. Бугун эса, энг муҳими, Истиқлолимиз, Ватанимиз, халқимиз ва Президентимизга ҳар томонлама муносиб бўлиш, тинчлик-осойишталигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ҳамда Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиш — ҳар биримиз учун шарафли бурчдир.

**Абдурафиқ АҲАДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.**
**(ЎзА).**


«ПАХТА БАНК»ГА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ БЕРИЛДИ

2007 ЙИЛ 1 ОКТЯБРЬ КУНИ

АТ «Пахта банк»

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ичида биринчи бўлиб «Fitch Ratings» халқаро рейтинг компаниясининг тўлиқ халқаро рейтингини олишга муваффақ бўлди.

«Fitch Ratings» қуйидаги рейтингларни берди:

- «В-» эмитент дефолтининг узоқ муддатли рейтинги («ЭДР»), прогнози «Барқарор»,
«В» қисқа муддатли «ЭДР», «D/E» шахсий рейтинги,
«5» қўллаб-қувватлаш рейтинги ҳамда
«В-» узоқ муддатли «ЭДР» қўллаб-қувватлаш.

«Пахта банк» томонидан инвестиция даражаси халқаро рейтингининг олиниши хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш борасида янги имкониятларни очади.


# ЭЛГА ҚИЛИНГАН ЯХШИЛИК

***Қумқўрғон туманида 65 нафар уруш қатнашчиси, 1 минг 315 нафар уруш ортида хизмат қилган ва 15 минг 204 нафардан зиёд меҳнат фахрийси истиқомат қилади. Туман «Нуроний» жамғармаси эса уларнинг яшаш шароити, турмуш тарзини яхшилаш борасида алоҳида ташаббус билан фаолият юритмоқда. Масалан, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказилган тадқиқотлар жараёнида бу ерда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож 28 та оила ҳисобга олинди. Шунингдек, меҳнат ногиронлари ҳамда ёлғиз кексалардан жами 41 киши рўйхатга олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.***

Жамғарманинг, айниқса, урушда иштирок этган кишиларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлари мақташга арзигуликдир. Масалан, «Нуроний» жамғармаси ёрдамга муҳтож Ёдгор Алимардонов, Мусулмон Болтаев, Эргаш Ҳакимов, Шарофат Тоғаева, Қизларгул Хуррамовага 470 минг сўмлик дори-дармон етказиб берди.

Туманда истиқомат қилаётган кам таъминланган, меҳрга муҳтож барча кишилар жамғарма назоратида. Шаҳар Турсунованинг турмуш ўртоғи оламдан ўтгач, ўғлининг тўйини ўтказишга қурби етмади. Ана шундай дамда «Нуроний» жамғармаси хатна тўйи ўтказиб, катта шодиёнага бош-қош бўлди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ана шундай оила аъзоларидан жами 13 тасининг тўйи ўтказиб берилди.

100 ёшдан ошган Қундуз Норбоева, Ойша Мирзаева, Робия Улуғова каби 29 нафар нуроний онахон ҳам жамғарманинг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлмоқда.

Яқинда Абдулла Тожиев хонадонига ҳам ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий таъминот, ҳомий ташкилотлар ва «Нуроний» жамғармаси томонидан унга ногиронлар аравачаси ҳадя қилинди.

— Турмуш ўртоғим ногиронлиги боис тўшакка михланиб қолган эди, — дейди Ойсара опа кўз ёшларини яширолмай.

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

— Мана, энди аравача ёрдамида кўча-ҳовли айланиб, тоза ҳаводан баҳраманд бўлмоқда.

— Қулматхон Азизов 40 йилдан ортиқ 4-умумий ўрта мактабда ўқитувчилик қилган, — дея суҳбатга қўшилди туман «Нуроний» жамғармаси кенгаши раиси Т. Нормуродов. — Ногиронлиги боис яқинда у кишига ҳам ҳиммат кўрсатдик. Йил давомида 9 кишига ногиронлар махсус аравачалари, 4 кишига эса эшитиш мосламалари совға қилинди.

Ана шундай хайрли ишлар самараси ўлароқ, яқинда туман шифохонасида нуронийлар хонаси ҳам ташкил этилиб, телевизор, диван, гиламлар билан жиҳозланди. Жамғарма биносигача бўлган 300 метрдан иборат кўча қайта созланиб, асфальт ётқизилди. Вилоят «Нуроний» жамғармаси томонидан 30 кишига соғин сигир олиб берилди.

Кексаларнинг маданий дам олишлари, уларнинг зиёрат сафарларига бориб келишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Очиғи, тумандаги байрам ёки бошқа саналарга бағишланган бирор бир тадбир йўқки, уларнинг иштирокисиз ўтган бўлса. Кексалар бу каби йиғинларда ҳамиша бош-қош. Ўтган йили 22 нафар киши Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги хушманзара жойларни бориб томоша қилиш баробарида, Ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом Термизий, Султон Саодат қадамжоларини ҳам зиёрат этдилар. Яқин кунларда яна бир гуруҳ отахону онахонлар Тошкентга бориб, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишиш ниятидалар.

— Бизга кўрсатилаётган бу каби ғамхўрликлар учун, энг аввало, ҳукуматимиздан, вилоят ва тумандаги идора ва барча ҳомийлардан миннатдормиз, — дейди улар меҳр билан.

*Ҳа, элга қилинган яхшилик, албатта, қайтади. Фақат меҳр бўлиб, садоқат бўлиб, эътиқод бўлиб...*

**Абди ҚОДИРОВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## «Газпром» огоҳлантирди



***«Газпром» Украинадан шу йил октябрь ойи ичида қарзини узишни талаб қилди. Акс ҳолда, газ етказиб бериш бир неча бараварга қисқариши мумкин.***

Ҳозирда Украина «Газпром»дан 1,3 миллиард доллар қарздор.

Россия газ концерни Украинага газ етказиб бериш қисқариши ҳақида европалик ҳамкорларини ҳам огоҳлантирди. Режа бўйича жорий йилда «Газпром» қўшни мамлакатга 55 миллиард кубометр газ етказиб бериши керак.

## Польша рози

***Шу йилнинг 21 октябрь куни Польшада навбатдан ташқари парламент сайлови бўлиб ўтади.***

Унда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этади. Польша ташқи ишлар вазири Анна Фотига ҳамда ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси раҳбари Кристиан Штрохал ўртасидаги музокаралардан сўнг шундай қарорга келинди. Сал аввалроқ Польша сайловда кузатувчилар иштирок этишига бутунлай қарши чиққан ва бу қарор Европа давлатларида норозилик уйғотган эди.

## Ливан бўйича халқаро трибунал

Америка ҳукумати Ливан бўйича халқаро трибунал ташкил этиш учун 5 миллион доллар маблағ ажратди. Бу ҳақда АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Залмай Халилзад баёнот берди.

Трибунал мамлакат собиқ бош вазири Рафиқ Харири ва бошқа сиёсий арбобларнинг йўқ қилинишида иштирок этган жиноятчиларни суд қилиш билан шуғулланади.

Таъкидлаш жоизки, Рафиқ Харирининг ўлими сабабларини текшириш учун бельгиялик прокурор Серж Браммерц раҳбарлигида БМТ комиссияси ҳам тузилган.

## Автобусдаги фожиа



***Хитойнинг Сичуань музофотида ўтган куни кечқурун йўловчи автобус ёниб кетди.***

Бу ҳақда «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хабарда айтилишича, Ваньшэн округидан Чунцин шаҳрига йўл олган автобусда кутилмаганда ёнғин чиққан ва олов бир неча дақиқада бутун салонни қамраб олган. 38 нафар йўловчининг 27 нафари ҳалок бўлган. 11 нафар йўловчи турли даражадаги куйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилган.

Ёнғин сабаблари ўрганилмоқда.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**



# «Алоқабанк»: ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ КЕНГАЙМОҚДА

*Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»инининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар марказларида 12 та филиали, 25 та минибанки, 38 та жамғарма кассаси, 15 та халқаро пул ўтказиш ҳамда 37 та валюта айирбошлаш шохобчалари фаолият юритмоқда. Улар томонидан жисмоний шахсларга таклиф этилаётган хизмат турларини диверсификациялаш мижозлар сонининг кўпайишига, аҳоли омонатлари ҳисобига эса банк ресурс базасининг кескин ошишига олиб келмоқда.*

Ҳозирги кунда банкда 20 дан зиёд омонат турлари мавжуд. Фақатгина 2007 йилнинг ўтган 8 ойи давомида республика аҳолиси учун миллий валютада 7 та янги омонат тури жорий қилинди. Сақланиш муддати турли хил ва фоиз даромади 20 фоиздан 30 фоизгача бўлган «Наврўзи олам», «Қалдирғоч», «Навниҳол», «Саёҳат», «Тўёна», «Соғ бўлинг» ва «Коммунал плюс» каби омонатлар шулар сирасига киради. Уларнинг жорий этилиши аҳолига муддати ва даромадлилиги жиҳатидан қулай ҳамда фойдали бўлган омонатлардан бирини танлаш учун имконият яратди. Омонатчилар сонини кўпайтириш мақсадида эса ҳар юзинчи омонатчи банк томонидан махсус мукофот билан тақдирланиши ва янги омонатчини банкка жалб қилган омонатчига жойлаштирилган омонатнинг 0,5 фоизи миқдорида мукофот пули тўланиши белгилаб қўйилди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ишларининг янада фаоллаштирилиши натижасида банкда ўз маблағларини сақлаётган омонатчилар сони 2006 йилдагига нисбатан 34 фоиз ошиб, 2007 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, 41952 тани ташкил этди. Айни чоғда аҳоли омонатларининг жами қолдиғи 24 фоиз ортиб, 8377,9 млн. сўмга етказилди. Ушбу омонатларнинг 8229,4 млн. сўми миллий валютадаги ва 148,5 минг АҚШ доллари чет эл валютасидаги омонатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари ҳамда «Ижтимоий

### Молия муассасаларида

ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида истеъмол кредитлари, аҳолининг уй-жойга бўлган талабларини қондириш учун ипотека кредитлари бериш, шунингдек, ёш оилаларга уй-жой қуриш ёки сотиб олиш, мебеллар ва узоқ муддат фойдаланиладиган зарур жиҳозлар харид қилишлари учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ҳам муттасил кўпайиб бормоқда.

Банк чакана хизматларнинг муҳим турларидан бири бўлган пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган корпоратив мижозларнинг ишчи-хизматчиларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкалар орқали бериш лойиҳаси амалга оширилаётганлиги оқибатида, 2007 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, пластик карточкалар сони 25763 тани ташкил этди. Бу 2005 йилнинг шу давридагига таққослаганда, 4 баробар кўпдир. Шу билан бирга, пластик карточкалар воситасида маҳсулот ва хизматлар ҳақини ҳамда турли хил тўловларни амалга ошириш имконини берувчи савдо терминалларини ўрнатиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Бунда аҳоли ўртасида тегишли тарғибот ишлари йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётир. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида эса терминаллар сони 2005 йилдагига нисбатан 7,5 баробар ошди.

Банк чакана хизматлари бозорининг нисбатан янги сегменти бўлган халқаро пул ўтказмалари амалиётларининг ҳажмлари ҳам изчил кенгайиб бормоқда. Ушбу йўналишда асосий эътибор халқаро пул ўтказиш тизимлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш ва хизмат кўрсатувчи шохобчалар сонини кўпайтириш масалаларига қаратилмоқда. Айнан шу мақсадда 2007 йилнинг апрель ойидан бошлаб Россия Федерациясининг «Связбанк» тижорат банки билан ҳамкорликда жисмоний шахслар учун «BLIZKO» пул ўтказмалари тизими жорий этилди. Бундан ташқари, банк томонидан «Western Union» ва «Coinstar» (аввалги «Travelex») халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали ҳам аҳолига хизматлар кўрсатилмоқда.

Банкнинг хизмат кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ва коммунал хизматлар учун тўловларни амалга оширишда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жамғарма кассалари тармоғи ҳам доимий равишда кенгайтириб борилмоқда. Ана шу кассалар орқали 2007 йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида 27 млрд. сўмдан зиёд ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 21 фоиз кўп коммунал тўловлари қабул қилинди.

«Алоқабанк» жамоаси келгусида ҳам ўз мижозларига сифатли ва тезкор банк хизматлари тақдим этиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатаверади. Уларнинг азму қарори шундай.

**И. ҲОТАМОВ.** t







***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор сармоядорлар!***

**«E`KO MM LTD»**

**хусусий фирмасига қарашли брокерлик идораси Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази томонидан ташкил этилаётган, республика бўйича ўтказиладиган ягона электрон тизимидаги биржа савдоларига таклиф этади.**

***Биржа савдолари ҳар куни (шанба, якшанба ва душанбадан ташқари) маҳаллий вақт билан 15.00 да ўтказилади.***

**Навбатдаги савдога қуйидаги мулк қўйилган:**

Наманган вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 16-0604-4856-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган «Атлас» АЖга қарашли мол-мулклар мужассам ҳолда кредиторлар йиғилишининг 2007 йил 29 августдаги 9-сонли баённомасига асосан биржа савдоси орқали бошланғич нархи — 7 778 000 000 сўм қийматида савдога қўйилган.

Мулк жойлашган манзил: Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 149-«А» уй.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Наманган шаҳри, А. Тўқаев кўчаси, 16-уй.**
**Телефон: (8590) 740-49-59.**
**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Телефон 138-69-70, 138-69-94 .**

***Сотиб олинг ва эгалик қилинг!***

**Шаҳодатнома ARR22-003024**


## ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**«НАВОИЙАЗОТ» ОАЖ барча акцияларининг 49 (қирқ тўққиз) фоизини ташкил этувчи 369 311 (уч юз олтмиш тўққиз минг уч юз ўн бир) дона оддий акциялар пакетини сотиш юзасидан эълон қилинган тендер бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 17 октябргача узайтирилганлигини маълум қилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 60 009 600 (олтмиш миллион тўққиз минг олти юз) АҚШ долларини, ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари 42 000 000 (қирқ икки миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади.**

**«НАВОИЙАЗОТ» ОАЖ** Навоий шаҳрида жойлашган. Корхона минерал ўғитларни ишлаб чиқариш мақсадида табиий газни қайта ишлашга ихтисослаштирилиб, шунингдек, турли хил органик синтез маҳсулотлари ва акрил толаси (нитрон)ни ишлаб чиқариш учун қурилган. Ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асосий хом ашё табиий газ, ҳаво, сув, каустик сода, туз ва бошқалар ҳисобланади. Корхонанинг асосий ишлаб чиқарувчи маҳсулотлари: суюқ техник аммиак, азот кислотаси, аммиак селитраси, аммоний сульфат, аммиак суви, ацетилен, аргон, нитрон, сирка кислотаси, натрий цианит, тиомочевина, каустик сода ва бошқа кимёвий маҳсулотлар.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини, ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

*- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001;*
*- ҳисоб рақами 20203000600600289001,*
*«Ипак Йўли» акционерлик-инновация тижорат банкининг амалиёт бўлими бошқармаси,*
*100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй.*
*ИНН 201122696, МФО 00444, S.W.I.F.T. коди – INIPUZ22.*

Тендер иштирокчилари белгиланган муддат ичида икки конвертдан иборат (биринчи конверт — «Ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва квалификацион маълумотлар» ва иккинчи конверт — «Молиявий таклиф») тендер таклифи жойлаштирилган пакетни қуйида кўрсатилган манзилга тақдим этишлари керак. Тендер ғолибини аниқлаш жараёни икки босқичдан иборат бўлади:

1. *Ваколатли комиссия томонидан биринчи конвертнинг очилиши ва тендер иштирокчиларининг стратегик инвесторларга қўйиладиган квалификацион талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун ҳужжатларни идоралараро ишчи гуруҳига тақдим этиш.*
2. *Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан квалификацион талабларга жавоб берадиган тендер иштирокчиларининг молиявий таклифларини очиш ва баҳолаш ҳамда ғолибни аниқлаш мақсадида натижаларни давлат тендер комиссиясига киритиш.*

Квалификацион талабларга жавоб берадиган, юқорида келтирилган акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Илгари тендерда иштирок этган ва тендер таклифини тақдим этган инвесторлар ўз таклифларини кучда қолдиришлари ёки ўрнига янги таклифларини ҳеч қандай қўшимча тўловсиз қуйида келтирилган муддатгача тақдим этиш имкониятига эгалар.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 17 октябрда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларининг биринчи конвертини очиш 2007 йил 17 октябрда Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади. Тендер таклифларининг иккинчи конвертини очиш тендер иштирокчиларининг стратегик инвесторларга қўйиладиган квалификацион талабларга мувофиқлигини баҳолашдан сўнг идоралараро ишчи гуруҳи мажлисида бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.


**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,**
**Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**
**Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51. Факс: +998 (71) 139-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**


## NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

**hereby announces on prolongation of the deadline for receiving Bids till October 17, 2007 of the previously announced tender for sale 369 311 (Three hundred sixty nine thousand and three hundred eleven) shares of common stock of Joint Stock Company "NAVOIAZOT" constituting the aggregate of 49% of the Company's total issued shares with starting bidding price not less than 60 009 600 (sixty million nine thousand and six hundred) US Dollars and investment requirements 42 000 000 (forty two million) US Dollars.**

**JSC "NAVOIAZOT"** is situated in Navoi city. The enterprise has been constructed as specializing on processing of natural gas for the purpose of manufacture of mineral fertilizers, and also the big assortment of products of organic synthesis and acrylic fiber (nitron). Raw material for the basic production are natural gas, air, water, caustic soda, table salt, etc. Primary products of the enterprise are: liquid ammonia technical, nitric acid, ammonium nitrate, ammonium sulfate, ammonia water, acetylene, argon, nitron, acetic acid, sodium cyanide, thiourea, caustic soda and other kinds of chemical products.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. In that case the Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Case by Case Privatization Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes USD 2 000 (two thousand), which are to be transferred to the account stated below.

*Foreign currency account number: №20 203 840 500 600 289 001 or*
*Current account number: № 20 203 000 600 600 289 001*
*in the Joint-stock Innovational-commercial Bank «Ipak-Yoli», TIN: 201122696,*
*bank code 00444, 12-A, Farhadskaya str., 100135, Tashkent.S.W.I.F.T. code: INIPUZ22*

Tender participants within given period of time shall submit a package of Tender Bid, containing two envelope: the first envelope "Legal Authority and Qualification Information" and the second envelope "Financial Proposal" to the address, indicated below. The selection of winner will be carried out in two stages:

1. *Opening of the first envelope by the authorized commission and submission the materials to the Interdepartmental Working Group for estimation of conformity of tender participants to the qualification requirements, presented to strategic investors;*
2. *Opening and estimation of financial proposals of the qualified participants by the Interdepartmental Working Group and submission of the results to the State Tender Commission for determination of the winner.*

At that, the preference will be given to the tender participant, which conforms to qualification criteria, ready to offer the highest bid for the above mentioned shares and take upon the highest value of investment obligations.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on October 17, 2007.

Opening of the first envelope of the Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on October 17, 2007. Opening of the second envelope will be held after estimation of conformity of tender participants to the qualification requirements at the meeting of Interdepartmental Working Group.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:


**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau State Property Committee Bldg.,**
**17th Floor Uzbekistanskaya str. 55 100003 Tashkent, Uzbekistan**
**Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51 Fax: +998 (71) 139 22 79 E-mail: ccpbuz@tps.uz**

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон шампани» ОАЖнинг 51 фоиз акциялар пакети сотилиши бўйича ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**«Ўзбекистон шампани» ОАЖ** томонидан чиқарилган барча акцияларининг 51 фоизини ташкил этувчи 86 219 (саксон олти минг икки юз ўн тўққиз) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акциялар пакетининг бошланғич баҳоси **2 318 000** (икки миллион уч юз ўн саккиз минг) АҚШ долларини ҳамда корхона бўйича инвестиция мажбуриятлари **1 200 000** (бир миллион икки юз минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади.

«Ўзбекистон шампани» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган. Корхона 1942 йилда ишга туширилган. Корхонанинг асосий фаолият тури шампан ва бошқа турли газланган вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда вино маҳсулотларини қайта ишлашдир.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи 500 (беш юз) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

*- валюта рақами 20203840500600289001;*
*- ҳисоб рақами 20203000600600289001,*
*«Ипак Йўли» АИКБ, ИНН 201122696, банк коди 00444,*
*S.W.I.F.T. коди: INIPUZ22.*

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 1 ноябрда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2007 йил 1 ноябрда Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг бош бошқармасига қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй.**
**Турсунов Муҳаммаджон Бахтиёрович эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-55. Факс: +998 (71) 139-20-72.**
**Эл. почта: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru**

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF STATE PROPERTY TO FOREIGN INVESTORS

**Hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan № PP-672 as of July 20, 2007**

**THE OPEN TENDER FOR PRIVATIZATION SALE OF 51% SHARES OF JOINT STOCK COMPANY «UZBEKISTON SHAMPANI»**

86 219 (eighty six thousand two hundred nineteen) ordinary registered shares of **JSC «Uzbekiston shampani»** constituting the aggregate of 51% of the enterprise's total issued shares are offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is **USD 2 318 000** (two million three hundred eighteen thousand). The investment obligations constitute not less than **USD 1 200 000** (one million two hundred thousand).

JSC «Uzbekiston shampani» is located in Tashkent city and was established in 1942. The main type of activity of the enterprise is manufacturing champagn and other various types of sparkling wine products, as well as processing of wine materials.

Investors interested in participating in the Tender must submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact address shown below.

The package of Bidding Documentation, which includes Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon presenting to the State Property Committee filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with a copy of the proof of payment made.

The price of the package of Bidding Documentation constitutes USD 500 (five hundred), which need to be transferred to either of the following accounts:

*USD Account: 20203840500600289001*
*UZS Account: 20203000600600289001*
*in the JICB "Ipak Yoli"*
*TIN 201122696, bank code 00444*
*S.W.I.F.T. code: INIPUZ22*

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. (Tashkent time) on 1th of November 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. (Tashkent time) on 1th of November 2007.

Tender participants or their authorized representatives, who would submit Tender Bids in accordance with the established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

**State Property Committee 55, Uzbekistanskaya str., 100003 Tashkent, Uzbekistan**
**Attention: Muhammadjon B. Tursunov**
**Telephone: +998 (71) 139 22 55 Fax: +998 (71) 139 20 72**
**Email:ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru**

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ «ҚЎҚОН СУПЕРФОСФАТ ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 85,2 ФОИЗ УЛУШИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**«Қўқон суперфосфат заводи» ОАЖ** томонидан чиқарилган барча акцияларининг 85,2 фоизини ташкил этувчи 249 293 (икки юз қирқ тўққиз минг икки юз тўқсон уч) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Улушнинг бошланғич баҳоси — **3 615 000** (уч миллион олти юз ўн беш минг) АҚШ доллари ҳамда инвестор томонидан қабул қилинадиган инвестицион мажбуриятлар – **5 000 000** (беш миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади.

«Қўқон суперфосфат заводи» очиқ акциядорлик жамияти Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида жойлашган. Завод 1935 йил ўғит қориштириш фабрикаси негизида ташкил топган. 1946 йил амонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Амонийлаштирилган суперфосфат юқори сифатли фосфорли ўғит бўлиб, қишлоқ хўжалигида ҳар қандай тупроқда хоҳлаган ўсимлик етиштиришда қўлланилади. Корхона республикада амонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқарувчи ягона ташкилотдир.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 500 (беш юз) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказилиши лозим:

*- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001;*
*- ҳисоб рақами 20203000600600289001*
*«Ипак Йўли» АИКБ амалиёт бўлими бошқармаси,*
*100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй.*
*ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22.*

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 1 ноябрда Тошкент вақти билан 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2007 йил 1 ноябрда Тошкент вақти билан 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:**
**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,**
**Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**
**Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51. Факс: +998 (71) 139-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

**based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan № PP-672 dated July 20, 2007 hereby announces**

**THE OPEN TENDER FOR PRIVATIZATION SALE OF THE 85.2% SHARE PACKAGE OF JOINT STOCK COMPANY "KOKAND SUPERPHOSPHATE PRODUCING FACTORY"**

249 293 (two hundred forty nine thousand two hundred ninety three) ordinary registered shares of **Joint Stock Company "KOKAND SUPERPHOSPHATE PRODUCING FACTORY"** constituting the aggregate of 85.2% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is **USD 3 615 000** (three million and six hundred fifteen thousand). Investment obligations that investor has to undertake constitute the sum of not less than **USD 5 000 000** (five million).

JSC "KOKAND SUPERPHOSPHATE PRODUCING FACTORY" is situated in Kokand city, Fergana region. The factory was established on the basis of mixed fertilizers factory in 1935. The production of ammoniated superphosphate began in 1946. This is the sole enterprise in the Republic producing ammonium superphosphate which is highly effective phosphoric fertilizer and used in agriculture for any crop and soil.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes USD 500 (five hundred), which are to be transferred to either of the following accounts:

*USD Account: 20203840500600289001 or*
*UZS Account: 20203000600600289001*
*in the JSC ICB of "Ipak Yoli", TIN 201122696, bank code 00444,*
*Farhod str., 12-A, Tashkent, 100135 S.W.I.F.T. code: INIPUZ22*

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on 1th of November 2007. Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on 1th of November 2007.

Tender participants or their authorized representatives, who would submit Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

***The Working Body of the State Property Committee:***
**Case-by-Case Privatization Bureau (CCPB)State Property Committee Bldg., 17th**
**Floor Uzbekistanskaya str. 55, 100003, Tashkent, Uzbekistan**
**Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51 Fax: +998 (71) 139 22 79 Email: ccpbuz@tps.uz**

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 июль 2007 йилдаги ПҚ-672 сонли қарорига мувофиқ «ҚЎҚОН СПИРТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 47% АКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**«Қўқон спирт» ОАЖ** томонидан чиқарилган барча акцияларининг 47 фоизини ташкил этувчи 4 760 015 (тўрт миллион етти юз олтмиш минг ўн беш) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — **8 159 000** (саккиз миллион бир юз эллик тўққиз минг) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари **3 000 000** (уч миллион) АҚШ долларини ташкил этади. «Қўқон спирт» ОАЖнинг 47 фоиз акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва корхонанинг инвестицион эҳтиёжларидан келиб чиқиб инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

«Қўқон спирт» ОАЖ Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида жойлашган. Корхона 1983 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилиб қурилган бўлиб, 1991 йилдан этил ичимлик спирти ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштирилган. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 2,4 миллион декалитрни ташкил этиб, республикада этил спиртини ишлаб чиқарувчи энг йирик корхона ҳисобланади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда маҳфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилгоҳларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда маҳфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказилиши лозим:

*Валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001*
*Ҳисоб рақами 20203000600600289001*
*"Ипак Йўли" АИКБ нинг амалиёт бўлим бошқармаси 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй*
*ИНН 201122696, МФО 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22*

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 1 ноябрда Тошкент вақти билан 12:00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2007 йил 1 ноябрда Тошкент вақти билан 15:00 да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилгоҳлар бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

***Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:***
**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**
**Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига,**
**Телефон: +998 (71) 139 22 51 Факс: +998 (71) 139 22 79 Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

**based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan № PP-672 dated July 20, 2007 hereby announces**

**THE OPEN TENDER FOR PRIVATIZATION SALE OF THE 47% SHARE PACKAGE OF JOINT STOCK COMPANY "KUKON SPIRT"**

4 760 015 (four million seven hundred sixty thousand fifteen) ordinaryregistered shares of Joint Stock Company "Kukon spirt" constituting the aggregate of 47% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is **USD 8 159 000** (eight million one hundred fifty nine thousand). Investment requirements of the enterprise constitute the sum of **USD 3 000 000** (three million). At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for the 47% of shares of the enterprise and undertake the highest amount of investment obligations based on investment requirements of the enterprise.

JSC "Kukon spirt" is situated in Kukon city, Fergana region. The enterprise was constructed in 1983 with orientation to produce mineral fertilizers. Since 1991, the enterprise has changed its type of activity and has been producing ethyl alcohol. Production capacity of the enterprise is 2.4 million decalitres per year. Presently it is the largest producer of ethyl alcohol in Uzbekistan.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and ConfidentialityStatement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes USD 2 000 (two thousand), which are to be transferred to either of the accounts stated below.

*Foreign currency account number: 20 203 840 500 600 289 001 or*
*Current account number: 20 203 000 600 600 289 001*
*in the JSC Innovational-commercial Bank «Ipak-Yoli», TIN: 201122696, bank code 00444, 12-A, Farhadskaya str., 100135, Tashkent. S.W.I.F.T. code: INIPUZ22*

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on November 1, 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on November 1, 2007.

Tender participants or their authorized representatives, who have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

***The Work Body of the State Property Committee:***
**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau State Property Committee Bldg., 17th**
**Floor Uzbekistanskaya str. 55, 100003 Tashkent, Uzbekistan**
**Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51 Fax: +998 (71) 139 22 79 Email: ccpbuz@tps.uz**

